

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
Кафедра мудири, проф. Холбеков Р.О.

«_____» _____ 2013 йил

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
ФОНДЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ МАВЗУСИ
БЎЙИЧА ЁЗИЛГАН**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Илмий раҳбар:

доц. Абдувахобов О. _____

«_____» _____ 2013 йил

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» таълим йўналиши битирувчи

4-курс талабаси Балтаев А. _____

«_____» _____ 2013 йил

Мундарижа:

КИРИШ	4
I-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнларида «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоб-китоби ҳисобининг назарий асослари...	7
1.1. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар	7
1.2. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти	9
1.3. Бюджетдан ташқари фондлар ва уларга ажратмаларни амалга оширишнинг услубий асослари.....	11
II-Боб. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоб-китоби ҳисобининг ҳозирги ҳолати	15
2.1. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби	15
2.2. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларининг синтетик ҳисобини ташкил этиш амалиёти	20
III-Боб. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоб-китоби ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари	23
3.1. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини ташкил қилиш ..	23
3.2. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини такомиллаштириш	27
Хулоса ва таклифлар	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	36

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. “2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини содалаштириш ва унинг ошқоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади. 2013 йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган.”¹ Абатта, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланишида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар асосий манба ҳисобланади. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китобларни тўғри ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти каттадир. Бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар параметрларининг тез ўзгариб бориши амалдаги бухгалтерия ҳисобини олдига баъзи бир муаммо ва вазифаларни келтириб чиқаради. Бу соҳадаги янги муаммо ва вазифаларнинг ечимини топиш ўз навбатида амалдаги бухгалтерия ҳисобининг такомиллашуви зарурий шарт қилиб кўяди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар «Хонқадонмаҳсулотлари» очик акционерлик жамиятида ҳам бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобини такомиллаштиришга олиб келади. Буларнинг барчаси мазкур битирув малакавий иш мавзусининг ҳақиқатда долзарблиги ва аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Битирув малакавий иш мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоби билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш борасида иқтисодчи олимлардан: О.У.Бобожонов, Н.Жўраев, Г.Ю. Касьянов, И.В.Карташова, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, Е.С.Кузнецов, М.Ю.Медведев, В.Ф.Палий, Е.С.Соколова, А.С. Сотиболдиев, С.Ш.Юлдашев, Б.Хасанов, Р.Холбеков ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Таъкидланган масалалар очик акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби иқтисодиётни глобаллашуви талабларидан келиб чиққан ҳолда илмий-жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Чунки аксарият олимларнинг илмий ишлари марказлашган режали иқтисодиёт талаблари асосида бажарилган.

Олимлар ўртасида ушбу масалаларни ечимини топиш борасида турлича фикрларнинг мавжудлиги муаммолари тўлиқ ҳал этилмаганлигини кўрсатади. Уларнинг илмий-амалий ишларининг муаммолари, ҳозирги кундаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларидан келиб чиқиб тўлиқ акс

¹ И.Каримов. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19январь, №13 (5687).

эттирилмаган. Лекин ушбу ишлар ўз даврида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этган, аммо иқтисодийни глобаллашуви шароитида уларнинг илмий, амалий аҳамияти пасайган.

Битирув малакавий иш мақсади. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнларида «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисоб-китоби ҳисобининг назарий ва услубий масалаларини ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Белгилаб олинган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш лозим бўлади:

- «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти мисолида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг иқтисодий моҳиятини ўрганиш;

-«Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти мисолида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ташкил қилинишини тадқиқ этиш;

-«Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг услубий асосларини ўрганиш;

-«Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоби юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иш предмети бўлиб, акционерлик жамиятларининг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоби ҳисоби ва ҳисоботларида мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳисобланади.

Битирув малакавий иш объекти сифатида, «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти бухгалтерия ҳисоби жумладан, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоби тизими ҳисобланади.

Битирув малакавий иш назарий ва услубий асослари бўлиб, акционерлик жамиятларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Президент И.А.Каримовнинг республикамиз иқтисодийни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатлари талаблари асосида ривожлантиришга бағишланган фармонлари, асарлари ва кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиёти бошқармаси томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек иқтисодчи олимларнинг акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисобини ривожлантиришга бағишланган илмий ишлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- очик акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг иқтисодий моҳиятини ўрганилди;

- очик акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ташкил қилинишини тадқиқ этилди;

-«Хонқадонмаҳсулотлари» очик акционерлик жамияти мисолида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг услубий асосларини ўрганилди;

- очик акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг ўзига хос хусусияти ўрганилди;

-«Хонқадонмаҳсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича ҳисоб-китоби ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоби юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти «Хонқадонмаҳсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган таклиф ва тавсиялардан «Хонқадонмаҳсулотлари» очик акционерлик жамиятида амалга ошириладиган бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, “Молиявий ҳисоб” фанининг “Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисоби” мавзусини ўрганишда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Битирув малакавий ишнинг таркиби. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисобининг назарий асослари

1.1. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар

Иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбир – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини кўллаб-қувватлаш мақсадида кўшимча чоралар кўрилганидир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайтирилиб борилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2013 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31	9
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	8%, 16%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15	6
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4,0	3,5
Ягона ижтимоий тўлов	40	25

Жадвалдан кўринадики, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда.

Солиқлар – давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетларга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланликлари учун мажбурий тўловлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа кўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмининг соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджет параметрлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2011 йил (млрд. сўм)	2012 йил (млрд. сўм)	2013 йил (млрд. сўм)	Бюджет дармадларида салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	16 178,5	20 614,1	25 104,9	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	4 238,7	5 196,4	6 583,1	26,2
Билвосита солиқлар	8 656,8	11 187,8	13 039,4	51,9
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2 308,9	2 746,4	3 755,5	14,9
Бошқа даромадлар	974,0	1 233,5	1 432,4	5,7
Бюджет харажатлари	16 991,1	21 571,7	26 312,4	Бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Преференция – иқтисодий мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юки – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Уй-жой куриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

Натижада Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

1.2. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти

Давлат молияси таркибида алоҳида ўринни эгаллайдиган бюджетдан ташқари фондлар давлат ҳукумати органларининг бюджетидан муцакил равишда алоҳида мақсадлар йўналишида шакллантирилади.

Бюджетдан ташқари фондлар – умумдавлат молиясининг муҳим буғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларини тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган.

В.Я.Кожинининг фикрига кўра: Бюджетдан ташқари фондлар давлатнинг ижтимоий иқтисодий сиёсатини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этиб, мамлакат микёсида яратилган ЯИМ ва миллий даромадни бирламчи ва қайта тақсимланиш жараёнида юридик ва жисмоний шахслар мажбурий ва ихтиёрий ажратмалари ҳисобига шакллантирилади.²

Бюджетдан ташқари фондлар жамланган (консолидаллаштирилган) бюджет таркибидаги ва жамланган бюджет таркибига кушилмайдиган фондларга булинади.

Шунингдек, бюджетдан ташқари фондлар уз мақсадлар йўналиши бўйича иқтисодий ва ижтимоий турларга булинади. Бошқариш даражаси бўйича умумдавлат, республика ва маҳаллий (регионал) фондларга булинади.

Ҳозирги кунда республикамизда бир нечта бюджетдан ташқари фондлар фаолият кўрсатмоқда:

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (ижтимоий суғурта фонди билан биргаликда);

Давлат Бандлик жамғармаси;

Республика Йўл жамғармаси;

Давлат мулк қумитасининг махсус ҳисоб рақами;

² Кожин В.Я. Производство: учет и налоги. – М.: «Альфа - Пресс».- 2007. – 428 с.

Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси;
Давлатнинг бошқа мақсадли фондлари.

Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш манбалари, куп жихатидан уларнинг характери ва мақсадларини амалга ошириш учун белгиланган вазифаларнинг манзиллиги, масштаблари билан аниқланади.

Бюджетдан ташқари фондлар даромадларининг асосий манбалари юқоридаги маълумотлардан қуриниб турибдики асосан, корхоналарда шакллантириладиган иш ҳақи фонди, жисмоний шахслар иш ҳақи қуринишидаги даромадлари ва корхоналарнинг маҳсулот реализациясидан мажбурий ажратмалари ҳисобига шакллантирилмоқда.

Маълумки 2003 йилда бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг белгиланган миқдори олдинги йилларга нисбатан пасайди. Бу албатта мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар яъни иқтисодий эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқариш ташкилотлари ва аҳоли учун молиявий енгилликлар бериш ҳисобланади. Иш ҳақи фондидан ажратмалар бўйича ставкаларни камайиши аҳолининг пул даромадларини ўсишига фаол таъсир қилади. Давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари орқали мамлакат миқёсида яратилган Ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли миқдори марказлаштирилади. Бундай йирик миқдордаги молиявий ресурслар асосан ижтимоий соҳани молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Шунинг учун ҳам таниқли иқтисодчи Капица А.М.нинг фикрига қура «Давлат жамиятнинг ижтимоий соҳаларини молиялаштиришда давлат бюджетига қумаклашувчи бюджетдан ташқари фондларни шакллантирадиги, улар мамлакат миқёсида яратилган миллий даромад ҳисобига ижтимоий соҳаларни қўллаб қувватлаш учун зарурий молиявий ресурсларни шакллантиришда асосий катализатор ролини ўйнайди».³

3-жадвал

Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратма объекти⁴

Тўловчилар	Ажратма объекти
Улгуржи ва чакана дорихона муассасалари	Ялпи даромад
Воситачи хизмат кўрсатувчи дилерлар ва корхоналар	Комиссион тақдирлаш суммаси
қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ққС чегирган ҳолда ўз қучи билан бажарган иш ҳажми
Тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиоманбаларни кўпайтиришдан, улар прокатидан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек оммавий	даромад

³ Капица А.М. Роль предприятий при формировании государственного бюджета. Журнал «Налоги и налогообложения» 2010 г

⁴ Муаллиф томонидан тузилди.

контсерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар	
Лизинг компаниялари	Лизинг берувчининг даромади (маржа)
Тайёрлов, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш ташкилотлари	Товар айланмаси ҳажми
Коммунал хўжалиги тизими корхоналари	Сотиб олиш қийматини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни (тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергиясини, сув таъминоти корхоналари учун - сувни, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газни) сотиш ҳажмидан;
Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар	ққС ва акtsiz солиғини чегирган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси ҳажми

Ҳақиқатда ҳам бюджетдан ташқари фондлар Ўзбекистон Республикасида ҳам Ялпи ички маҳсулотни тақсимланишида йирик миқдордаги молиявий ресурсларни узида жамғаради.

ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2004 й. Н 263 сонли "Бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш бўйича чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилди.

Ягона ижтимоий тўлов 2013 йилда 25 фоизли ставка қилиб белгиланди, унинг мақсадли жамғармаларга қуйидаги ставкалар бўйича, яъни, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига -24,8 фоиз, Давлат бандликка кўмаклашиш фондига – 0,1 фоиз, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига – 0,1 фоиз миқдорида тақсимланиши сақланиб қолди.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари амалдаги 5,5 фоиз ўрнига 6,0 фоиз қилиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма бўйича 1,6 фоиз сақланиб қолинди.

Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ажратма барча корхоналар учун 1,4 фоиз даражасида сақланиб қолинди.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма 0,5 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

1.3. Бюджетдан ташқари фондлар ва уларга ажратмаларни амалга оширишнинг услубий асослари

Давлат Пенсия фонди – бу пенсия билан таъминловчи давлат молия бошқарувининг органидир. Пенсия фонди билан давлат бюджетининг фарқли

томони шундан иборатки, ўз ресурсларининг ҳиссаси баландлиги ва марказлаштирилган манбалардан катта маблағ ва дотацияларни рад этади. Махсус пенсия туловлари ижтимоий суғурта доирасида шахсий функционал вазифага эга бўлиб, тушумлар ва маблағлар билан қушилган ҳолда пенсия фондида тупланади.

Пенсия фондининг ташкил этиш манбалари ҳар хил. Улар юқоридаги чизмада келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тулаш жамғармасининг умумий суммасига фоизларда белгиланади.

Суғурта бадалларининг ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинган ишловчиларини барча категорияларини иш ҳақи фондига белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни ҳисобга олмаган ҳолда, молиялаштириш манбаларидан катъий назар амалдаги қонунчиликка мувофиқ чиқарилган низомлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга қура мазкур қорхона томонидан аниқланадиган иш ҳақларининг барча турларига ҳисобланади. Суғурта бадаллари қўйидаги турдаги туловларга ҳисобланмайди:

фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар;

ишдан бушаш чоғидаги чиқиш нафақаси;

Моддий ёрдам қуранишида бериладиган пул нафақаларини ҳар хил турларига;

Компенсация туловларига;

Бепул овқатлар қийматларига ва бошқалар.

Фондининг маблағлари қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

пенсия тўлаш;

икки ёшдан 16 ёшгача болалар учун нафақалар тулаш;

ногиронлар ва қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш;

ногиронлар, болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича дақурларни молиялаштириш;

вақтинча меҳнатга лаёқатини йўқотиш бўйича нафақалар тўлаш;

ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ нафақалар;

бола туғилгандаги бир марталик мукофат пули;

бола икки ёшга тулганга қадар тарбиялаш билан боғлиқ таътил давридаги ойлик нафақалар;

дафн учун ижтимоий нафақалар;

санатория, курортларда даволаниш ва дам олиш учун йўлланмаларга тулаш;

суғурталанувчилар балансидаги санатория профилакторияларни, болалар ва усмирлар учун санатория ва соғламлаштириш оромгоҳларини сақлаш.

Мазкур харажатлар суғурталанувчи бухгалтерияси орқали амалга оширилади. Пенсия фонди УзР Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлат бандлик фонди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ҳар бир ишчи ва хизматчини маълумотига қараб, малакасига қараб иш билан таъминлаб беришни уз кафолатига олмайди. Шунинг учун давлат иқтисодиётида ва ижтимоий ҳаётида номутаносиблик булмаслиги учун ва ҳар бир шахсни меҳнат қилишга ҳақлилиги ва эркин соҳа шаклланишига ҳуқуқи борлигини ҳисобга олиб, махсус молиявий муассаса яратди. Ушбу тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилишни Давлат Бандлик фонди амалга оширади.

Бандлик фонди вазифаси:

- иқтисодий тизимни малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш;
- бир тармоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини қайта малакасини ошириш;

- махсус меҳнат биржаларини ташкил этиш;

- ишсизларни моддий таъминлаш;

- Давлат Бандлик фондини шакллантирувчи асосий молиявий манбалари:

- хўжалик субъектларининг мажбурий туловлари;

- маҳаллий ва республика бюджети маблағлари;

- хорижий ва республика ичидаги хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларни ихтиёрий ажратмалари.

Ушбу манбалар ичидаги хўжалик субъектлари мажбурий туловлари асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланади ва қарийиб 80% ни ташкил этади.

Шаклланган Бандлик фонди куйидаги йўналишларда фойдаланилади:

- фуқароларнинг меҳнат жойи билан таъминлаш;

- ишсизлик учун нафақалар бериш;

- кадрларни қайта ўқитиш ва қайта тайерлаш ишларини ташкил этиш учун;

- бандлик фонди бошқарув органини иш ҳақи билан таъминлаш.

Бюджетдан ташқари Мактаб таълимини жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармониға мувофиқ 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дақурини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

Жамғарма маблағларни Жамғарманинғ ҳамда қорақалпоғиқон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларида жамлаш учун ташкил этилади.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар, шу жумладан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат жамғармалари, вазирликлар, идоралар, хорижий молия ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар Жамғарма маблағларини шакллантиришда ихтиёрийлик асосида қатнашишлари мумкин.

Мактаб таълимини ривожлантириш дақурини амалга ошириш, шунингдек умумтаълим мактабларига уларнинг моддий-техника базасини

муцаҳкамлаш бўйича маблағлар жалб этиш юзасидан қўшимча имкониятлар бериш учун молиявий ва моддий ресурсларни, Давлат бюджети, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва институтлар маблағларини жамлаш Жамғармани ташкил этишнинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

-бюджет маблағларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни уларни кейинчалик улардан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дақурини рўёбга чиқаришга мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

-Мактаб таълимини ривожлантириш дақурида назарда тутилган бузилган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни мукамал реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

-Жамғарма маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дақурини амалга ошириш учун қатъий мақсадли фойдаланилиши уқидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

-Халқ таълими вазирлиги ҳамда қорақалпоғиқон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари билан биргалиқда мактабларнинг моддий-техника базаси ҳолатини мунтазам асосда доимий ўрганишни ҳамда унинг мониторингини ташкил этиш;

Ўзбекиқон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекиқон Республикаси Президентининг "Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони билан ташкил этилган ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш учун мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади.

Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекиқон Республикаси Концитутсиясига, Ўзбекиқон Республикаси қонунларига, Ўзбекиқон Республикаси Олий мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекиқон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекиқон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

II-Боб. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар ҳисобининг ташкил қилиниши

2.1. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби

Солиқ қарзи — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялардир.⁵

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, кўрсатилган Низомга иловаларда белгиланган харажатлар суммасига тузатишлар киритилган даромад (фойда) солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар (бундан банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно) даъво муддати тугагач даромадлари илгари жами даромадга киритилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

А.И.Нечитайлонинг фикрига кўра: Юридик шахсларнинг даромадлари ва улар бўйича тегишли чегирмалар солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида, тўлаш вақти ва пулнинг келиб тушиш санасидан қатъи назар, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.⁶

Агар қилинган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у жами даромаддан фақат бир маротаба чегирилиши мумкин.

Узоқ муддатли контрактларга тааллуқли даромад ва чегирмалар молия йили давомида уларни ҳақиқатда босқичма-босқич бажариш қисмида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли контрактни ҳақиқатда бажариш молия йили охиригача қилинган харажатларни мазкур контракт бўйича жами даромадлар билан таққослаш воситасида белгиланади.

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пуд ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадларга қуйидагилар киритилади:

а) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум деганда:

⁵ Солиқ Кодексининг 22-моддаси

⁶ Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. – М.: Проспект, 2010. – 272 с.

юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;

буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;

хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган суммалар тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромад оладиган (комиссион ҳақлар, фоизлар сифатида) корхоналар учун тушум деганда солиқ солинадиган даврда амалга оширилган барча битимлар бўйича олинган комиссия ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

б) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад.

В.М.Швецкая, Н.А.Головколарнинг фикрларига кўра: Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан келадиган даромадни белгилаш чоғида солиқ солиш мақсади учун ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотилиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги фарқ (ошиб кетиш) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, моддий активларга нисбатан қўлланилади.⁷

Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, сотиш санасидаги активлар қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тасдиқланади.

Активлар бепул асосда ёки пасайтирилган қиймат бўйича топширилганда топширувчи шахс активларининг қиймати шакланган харажатлардан келиб чиқиб, олаётган шахс даромадлари эса - кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топшириладиган активлар таннархидан паст бўлмаган тарзда, белгиланади.

в) фоизлар кўринишидаги даромадлар;

г) дивидендлар;

д) бошқа шахслардан бепул олинган мол-мулк.

Агар мол-мулкни бепул топшириш тизим ичида корхоналар ўртасида юз берса, бунда тизим деганда вазирлик, концерн, трест ва ҳоказолар тушунилади ва бу мол-мулк тақсимлаш баланси бўйича ва (ёки) юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, улар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

е) мол-мулкни ижара (лизинг)га беришдан олинган даромад

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар ижарага берувчи амортизацияланадиган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, операция солиқ солиш мақсадида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилиниши сифатида қаралиши керак.

Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

⁷ Швецкая В.М., Головкин Н.А. Бухгалтерское дело: Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2008. – 304 с.

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошиб кетса;

ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаганидан кейин белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижара тугаганидан кейин ижара бошидаги улар қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;

тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

Мазкур кичик банд иккинчи қисмининг қодалари лизинг шартномасини узайтириш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин бўлган даврга татбиқ этилади.

ж) роялти;

з) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялар бундан мустасно);

и) даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоя қила олиши мумкин бўлган муддат. Даъвонинг умумий муддати - уч йил.

к) илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки гумонли қарзларни коплаш кўринишида олинган даромадлар;

л) валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ.

м) фавқулодда даромадлар.

н) бошқа даромадлар.

Олинган грантлар даромад сифатида қаралмайди. Грант деганда корхонага давлат (ҳукумат), шунингдек ноҳукумат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ижтимоий аҳамиятдаги мақсадларда, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, илмий-техник ва инновация дастурларини бажариш учун бепул, гуманитар пул кўринишидаги ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағларидан қатъиян мақсадга мувофиқ фойдаланилади.

Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши боришига қараб солиқ солинадиган даромад таркибига киритилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни ҳақиқатдаги таннархдан паст нархлар бўйича амалга оширадиган ташкилотлар (корхоналар) бўйича, солиқ солиш чоғида, зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтирмайди, ўзи ишлаб чиқарган, эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган экспорт маҳсулоти (ишлар, хизматлар) бундан мустасно.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага, ички бозор нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қиладиган корхоналар учун (савдо-воситачилик корхоналаридан

ташқари), солиқ солинадиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқатдаги нархидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Муштарак вазифаларни ҳал этиш ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган бадаллар, пайлар ва устав фондига (сармоясига) бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ушбу муштарак вазифаларни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган юридик шахснинг даромади ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ушбу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият (оддий ширкат шартномаси бўйича) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади.

Биргаликдаги фаолият шартномаси бўйича шериклар (иштирокчилар) деб номланадиган икки ва ундан ортиқ шахс ўз улушларини бирлаштириш ҳамда умумхўжалик ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

Шартнома иштирокчилари томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият учун бирлаштирилган юридик шахслар мол-мулки ҳар бир иштирокчининг балансида ҳисобга олиниши керак, зиммасига шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчи томонидан умумий ишлар ва ҳисоб юритилади, агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса.

Юридик шахсни ташкил этмасдан бир неча корхонанинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) улар ўртасида тузилган шартномаалар асосида солиқ солинишига қадар биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Юридик шахс ҳисобланган биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан олинган даромад (фойда) тақсимланганидан кейин жами даромадга киритилади ва умумбелгиланган тартибда солиқ солинади.

Корхоналарнинг хорижий валютада олинган даромади (фойдаси)га Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан жамликда тўлиқ ҳажмда солиқ солиниши керак. Бунда хорижий валютада олинган даромад (фойда) юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Юридик шахсларнинг аукционлардан ва гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан олган даромади (фойдаси)га 35 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Н.А.Бортник, Н.Н. Бортникларнинг таъкидлашларича: Даромад (фойда) солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад

тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.⁸

Л.И. Куликованинг фикрига кўра: Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турларга кўра) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити ва солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.⁹

Солиқнинг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Белгиланган тартибда юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кун ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қилади.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан сўнг ўн беш кун давомида солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларига даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-ҳисоблар қонун ҳужжатларига биноан белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган корхоналар томонидан хорижда олинган даромад ёки фойда суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг умумий суммасига киритилади ва солиқ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

Бунда ҳисобга олинадиган сумманинг миқдори хорижда олинган даромад (фойда) бўйича Ўзбекистон Республикасида тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммасидан ошиши мумкин эмас.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоб-китобда хорижда тўланган солиқ суммасини ҳисоб-китобда хорижда тўланган солиқ суммасига камайтириш учун асос бўлиб тўлов хабарномаси, хорижий давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки хорижда солиқ тўлангани фактини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат ҳисобланади.

Агар ўзаро боғланган юридик шахслар ўзларининг тижорий ва молиявий муносабатларида мустақил юридик шахслар ўртасида

⁸ Бортник Н.А., Бортник Н.Н. Бухгалтерское дело: Учебное пособие. - М.: «Дашков и К°», 2008. – 400 с.

⁹ Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с..

қўлланиладиган нархлардан фарқланадиган нархларни қўлласалар, солиқ тўловчининг даромади (фойдаси) солиқ солиш мақсадида солиқ органи томонидан қонун ҳужжатларига биноан белгиланган тартибда юзага келган фарққа тузатиши мумкин.

2.2. «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларининг синтетик ҳисобини ташкил этиши

Қўшилган қиймат солиғининг таърифи, ставкалари, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айтиб ўтилган моддаларидаги қоидалар "Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномада батафсил кўриб чиқилган.

Товарларнинг реализацияси бўйича оборотлар миқдори қўшилган қиймат солиғини солиш объекти ҳисобланади. Солиқ солинадиган оборотларнинг миқдори реализация қилинадиган товарлар қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғи қийматини киритмасдан ҳисобланади..

Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20%ни ташкил қилади.

2012 йил 1 чораги учун корхона томонидан ҳисоблаб ёзилган ҚҚС миқдори:

$$\text{ҚҚС} = 10\ 000 \times 20\% = 2\ 000 \text{ минг сўм}$$

Мол-мулк солиғини солиш объекти, ставкаси, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси СКнинг 89-95 моддаларида келтирилган. СКнинг айтиб ўтилган моддаларида қоидалар Юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада батафсил кўриб чиқилган.

Асосий воситалар ва номатериал активларнинг қолдиқ қийматининг ўртача миқдори солиқ солиш учун база ҳисобланади.

2012 йилда мол-мулк солиғининг ставкаси 3%ни ташкил қилади.

Кўриб чиқиладиган вазиятда номатериал активлар йўқ, 2010 йил 1 чораги учун асосий воситалар қолдиқ қийматининг ўртача миқдори 5000 минг сўмни ташкил қилади, 2012 йил 1 чораги учун мол-мулк солиғи:

$$\text{МС} = 5\ 000 \times 3\% = 150 \text{ минг сўм.}$$

(Тўлиқ йиллик ставка қўлланилишига эътибор беринг, солиқни йил учун эмас, балки чорак учун ҳисобланганлик ҳолати мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда эътиборга олинган).

Республика йўл фондига ажратмалар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги Республика йўл фондини ташкил қилиш тўғрисидаги 334-сон қарорида назарда тутилган. Ҳисоблаб чиқиш учун база мазкур Қарорнинг 1-иловасида келтирилган Республика йўл фонди маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ аниқланади. Ишлаб чиқариш корхоналари учун йўл фондига ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш учун

база сифатида бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари маълумотлари ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми олинади.

Республика йўл фондига ажратмалар суммаси:

$$\text{ЙФА} = 10\ 000 \times 1,5\ \% = 150 \text{ минг сўм.}$$

Реализация қилинган маҳсулотнинг амалдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш тартиби ва тўлаш муддатлари Адлия вазирлигида 2001 йил 16 мартда 1018-сон билан рўйхатга олинган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бюджетдан ташқари Пенсия фондига мажбурий бадалларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага мувофиқ аниқланади.

Мажбурий ажратмалар солиш объекти ҳисобот даврида (ойида) реализация қилинган маҳсулотнинг (ишлар, хизматларнинг) ҚҚС ва акциз солиғи чиқариб ташланган амалдаги ҳажмидир ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" 2-шаклнинг 050 сатри). Мажбурий ажратмалар ставкаси 0,7% ни ташкил қилади.

Кўриб чиқиладиган вазиятда 2003 йил 1 чораги учун реализация қилинган маҳсулот ҳажми 10000 минг сўмни ташкил қилади, реализация қилинган маҳсулот ҳажмидан Пенсия фондига ажратмалар суммаси:

$$\text{ПФА} = 10\ 000 \times 0,7\ \% = 70 \text{ минг сўм.}$$

Солинган солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар ўз моҳиятига кўра бошқа операцион харажатларга киради, 9440 "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағи ("Давр харажатлари" 26-ҳисобварақ, 3 "Бошқа операцион харажатлар" илова ҳисобварағи) дебети бўйича ҳисобга олинади ва "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" 2-шаклнинг 100-сатрида акс эттирилади. Умуман давр харажатларига ёзиб қўйиладиган қуйидаги солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар тўланган:

$$С = МС + ЭС + \text{ЙФА} + \text{ПФА} = 150 + 98 + 150 + 70 = 468 \text{ минг сўм.}$$

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 19-моддасига мувофиқ даромад солиғи солинадиган даромадларни аниқлашда солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича харажатлар жами даромаддан чегириб ташланади. Шунинг учун даромад солиғи ҚҚС ҳамда давр харажатларига киритилувчи барча солиқлар, йиғимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар аниқланганидан сўнг ҳисоблаб чиқилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича проводкаларни амалга оширишдан мақсад бухгалтерия ҳисобида солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларни акс эттиришдир. 21-сон БХМСга мувофиқ бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" 6410-ҳисобварағида кредит бўйича акс эттирилади, бюджетдан ташқари жамғармаларга эса - "Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар" 6520 ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади

Дебет бўйича солиқларни ҳисоблаб ёзиш "Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқларга киради, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра (истеъмол учун солиқ) ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг харажати эмас, балки харидорлар ва буюртмачиларнинг харажатларидир ва шунинг учун "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар" 4010-ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади.

Бевосита солиқлар бўйича харажатларни киритиш уларни ҳисоблаб чиқиш учун нима база қилиб олинishiга боғлиқ. Даромаддан ҳисоблаб чиқилadиган солиқлар (даромад солиғи, инфраструктура солиғи) "Солиқлар ва йиғимлар тўлаш учун даромаддан фойдаланиш" 9800 ҳисобварағи, 9810 "Даромад солиғи бўйича харажатлар" ва 9820 "Йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар" ҳисобварақларининг дебетига киритилади.

Корхонанинг солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга йиғимлар бўйича қолган барча харажатлари давр харажатларига киритилади ва 9430 "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади.

Қуйида солиқлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловларни тўлаш ва пул ўтказиш бўйича проводкалар келтирилган.

4-жадвал

«Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар синтетик ҳисоби¹⁰

№ т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			21-сон БХМС бўйича	
			Дебет	Кредит
1.	ҚҚС тўланган	2 000	4010	6410
2.	Тушум таркибида ҚҚС харидорлар билан ҳисоб-китобларга ўтказилган	2 000		
3.	Мол-мулк солиғи ёзилган	150	9430	6410
4.	Йўл жамғармасига ажратмалар суммаси ёзилган	150	9430	6530
5.	Пенсия жамғармасига ажратмалар суммаси ёзилган	70	9430	6530
6.	Даромад солиғи ёзилган	206,4	9810	6410
7.	Инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ ёзилган	26	9820	6410

¹⁰ БХМСнинг 21-станданти.

Ш-Боб. Акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини такомиллаштириш масалалари

3.1. Акционерлик жамиятларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини ташкил қилиш

Солиқ имтиёзлари ҳисобда Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ акс эттирилади.

Солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш уларнинг характериغا боғлиқ.

Солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шarti билан солиқлар бўйича имтиёзлар берилганида ҳисоблаб ёзилган мажбурий тўловлар ва солиқлар Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттирилади ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қилади.

Солиқ солишдан вақтинчалик озод қилишда ҳисоблаб ёзилган мажбурий тўловлар ва солиқлар суммалари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қилмайди

Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақларида акс эттирилади:

а) мақсадли тушумлар ҳисобварақларида "Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи очилади - бўшаган маблағларни мақсадли масалаларга йўллаш шarti билан бухгалтерия ҳисобида солиқ имтиёзларини ифодалаш ҳолатида;

Масалан, "Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" 8840 ҳисобварағи.

б) резерв сармоя ҳисобварақларида "Резерв сармоя - солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи очилади;

масалан, 8590 "Резерв сармоя - солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи

в) бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисобварақларида тегишли солиқлар ва йиғимлар турлари бўйича 6490 "Солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи очилади.

Масалан, агар корхона барча солиқларнинг тўловчиси бўлса, у ҳолда ҳар бир солиқ бўйича алоҳида ҳисоб юритиш керак ва ҳар бир солиқ тури бўйича қуйидаги ҳисобварақларни (илова ҳисобварақларни) очиши керак:

6491 - ҚҚС бўйича имтиёзлар

6492 - даромад (фойда)дан солиқ бўйича имтиёзлар

6493 - мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар

6499 - импорт учун божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

Шунингдек 4410-"Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари" ҳисобварағи бўйича мол етказиб берувчиларга олинган

ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи қисмида ҳисоб юритилиши лозим. Масалан:

4511 - ҚҚС бўйича бўнақлар.

Олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви, бюджетга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб ёзиш умумий тартибда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда:

- ҳисоблаб ёзилган божхона тўловларининг бутун суммаси божхона юк декларациясининг 47-устунида кўрсатилиб, ҳисоблаб ёзилган тўловлар имтиёзлар тақдим этилиши муносабати билан бюджетга тўланиши кераклиги тўғрисида белги қўйилади;

- уларга доир солиқ имтиёзлари тақдим этиладиган, бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар солиқ органларига белгиланган шакллар ва муддатлар бўйича тақдим этилади. Товар (ишлар, хизматлар) сотилиши чоғида ҳисобварақ-фактуралар ёзилади, уларда солиқ солинадиган айланмага ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилади.

Ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (ушбу солиқни тўловчилар учун ҚҚСдан ташқари) ва бюджетга мажбурий тўловлар:

товарнинг сотилиш (харид) қийматига киритилади - бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ солишдан озод этиш кўринишида солиқ имтиёзлари тақдим этилганида;

Товарнинг сотилиш (харид) қийматига киритилмайди - бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган, солиқ солишдан вақтинча озод этганда.

Солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисоби куйидаги тартибда бажарилади:

а) умумий тартибда белгиланган солиқлар ва қонунчиликка биноан товар-моддий бойликларни ва ускуналарни харид қилишдаги нархига қўшиладиган божхона тўловлари суммасига (бу солиқни тўловчилари учун ҚҚС мустасно қилинади):

- товар-моддий бойликлар ҳисоби ҳисобварақлари дебети, капитал маблағлар, ўрнатишга ускуналар;

- бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобварағи кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетга тўловлар бўйича қарз ҳисоби ҳисобварағи дебети;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағи кредити.

Масалан, ускуна олинди; ННТ божхонанинг 850 минг сўм миқдоридаги йиғимини тўлашдан бўшаган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан озод қилинган.

Божхона божини ўтказиш акс этирилади:

Дт 0820 "Асосий воситалар хариди" 850

Кт 6499 - "Импорт божхона божи бўйича имтиёзлар" 850

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

Дт 6499 - "Импорт божхона божи бўйича имтиёзлар" 850

Кт 8840 "Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари" 850

б) мазкур солиқни товар-моддий бойликларни харид қилишда, шу жумладан божхона расмийлаштирилишида ўтказилган тўловчилар учун тўланган ҚҚС суммасига:

- бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебети;
- таъминотчилар ва пудратчилар турли кредиторлар билан ҳисоб ҳисобварақлари кредити.

Мазкур ҳолатда одатдаги бухгалтерия ёзуви бажарилади; масалан, тўланган ҚҚС суммаси 520 минг сўмни ташкил қилди:

Дт 4411 "Солиқлар бўйича бўнак тўловлар" (турлари бўйича) 500

Кт 6010 "Тўлашга доир ҳисобварақлар",

6990 "Бошқа мажбуриятлар" 500

в) маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва бошқа мулкни реализация қилишда ўтказишнинг ҚҚСи суммасига:

- маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва бошқа мулкни реализация қилиш ҳисоби ҳисобварақлари дебети (Олишга доир ҳисобварақлар ҳисоби ҳисобварағи - 21-сон БХМС Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномага биноан);

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебети;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағи кредити;

Масалан, сотилган маҳсулотдан ҚҚС 800 минг сўмни ташкил қилди; ҚҚС одатдагича ўтказилади ва ҳисобварақ-фактура ҚҚС ни ҳисобга олиб ёзиб берилади:

Дт 4010 "Олишга доир ҳисобварақлар" 800

Кт 6491 "ҚҚС бўйича имтиёзлар" 800

Олинган (800) ва тўланган (500) ҚҚС орасидаги фарқ мазкур ҳолатда бюджетга ўтказилмайди, балки имтиёзли солиқ солишда мақсадли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобварақларида акс эттирилади:

Дт 6491 "ҚҚС бўйича имтиёз" 800

Кт 4411 "Солиқлар бўйича бўнак тўловлар" 500

Кт 8840 "Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари" 300

г) Бюджетга умумий белгиланган тартибда давр чиқимларига киритиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар суммасига:

- давр чиқимлари ҳисобварағи ҳисоби дебети;

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебити;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағи кредити;

Масалан, мол-мулкка солиқ ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

Кт 6493 "Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар"

Ҳисоблаб ёзилган солиқ бюджетга ўтказилмайди, балки мақсадли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобварағига киритилади:

Дт 6493 "Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар"

Кт 8840 "Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари" 300

д) хўжалик юритувчи субъект фойдаси ҳисобига киритиладиган бюджетга умумий белгиланган тартибда ўтказиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар суммасига:

- солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатиш ҳисобварағи дебити;

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебити;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағи кредити;

Масалан, даромадга (фойдага) солиқ ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9810 "Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар"

Кт 6492 "Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар"

Ҳисоблаб ёзилган солиқ бюджетга ўтказилмайди, балки мақсадли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобварағига киритилади:

Дт 6492 "Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар"

Кт 8840 "Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари"

Ҳисоблаб ёзилган бюджетга мажбурий тўловлар ва солиқлар суммаси молиявий натижалар ҳисоботида (2-сон шакл) тегишли 020 (ҚҚС), 030 (акциз), 100 (давр чиқимларига киритилган) 180, 190 (фойдадан солиқлар сатрларда умумий белгиланган тартибда акс эттирилади:

- 8840 "Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи дебити;

- 8590 "Захира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварағи"нинг кредити.

Н.В.Пошерстникнинг фикрига кўра: Маблағларни солиққа солишдан овоз қилиш натижасида бўшаган ва мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағида ҳисобга олинмаган сумма имтиёз даври кўрсатилган ҳолда - имтиёз даври тугаши бўйича, бошқа ҳолларда эса ҳар йили қуйидаги тартибда ўчирилади:¹¹

- мақсадли тушумларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебити - 8840

- захира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити- 8590.

¹¹ Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учеб.-практ. пособ. - М.: Проспект, 2010. - 560 с.

Қонунчиликда солиқ солишдан бўшаган маблағлар мақсадли фойдаланилиши белгиланмаган вақтинчалик озод қилиш назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда ҳар бир тўлов тури бўйича алоҳида баланسدан ташқари "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" ҳисобварақлари очилиши мумкин. Уларнинг дебитида умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва бюджетга тўловлар акс эттирилади.

Ҳисоблаб ёзилган бюджетга мажбурий тўловлар ва солиқлар суммалари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттирилмайди ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қилмайди

С.А.Уткинанинг фикрига кўра: Имтиёз берилган давр туганидан сўнг, "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" номли баланسدан ташқари ҳисобварақнинг дебитида ҳисобга олинмаган, солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобварақларнинг кредитига ҳисобдан чиқарилади.¹²

Бунда ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, бўшаган маблағлар тўғрисидаги маълумот, имтиёз берилган давр тугаши билан 5 йил мобайнида корхонада сақланиши керак.

Корхона ва ташкилотлар солиқдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни мақсадли ишлатишни тасдиқлаш учун ҳар йили йиллик молиявий ҳисобот билан тўловларни тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни ишлатиш ҳақида қуйида кўрсатилган шаклда ҳисобот бериши керак.

Агар солиқ солишдан озод этиш натижасида ёки импорт қилинган товарларни сотиш (реализация қилиш) оқибатида бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш далиллари аниқланган тақдирда, мақсадсиз фойдаланилган маблағлар суммаси, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун келтирилган мол-мулкни сотиши (реализацияси) бўйича ҳисобланган божхона тўловлари жазо чоралари қўлланилган ва пенялар ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилади.

Корхона ва ташкилотлар тўғри ва ўз вақтида ҳисобот беришга жавобгар бўладилар ва ҳисоботлар берилмаганда ёки ўз вақтида берилмаганда уларга амалдаги қонунчиликка биноан молиявий санкциялар қўлланилади.

3.2. Акционерлик жамиятда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини такомиллаштириш

Солиқлар ва божхона имтиёзлари берилган, мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга (кейинги ўринларда - хўжалик юритувчи субъектлар) тааллуқлидир.

¹² Уткина С.А. Составление бухгалтерских проводок в организациях разных отраслей: практ. пособ. – М.: Омега-Л, 2010. – 259 с.

Хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва бож хона имтиёзлари:

а) бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан;

б) бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматиغا ҳисоблаб ёзилмайди ва киритилмайди.

Солиқлар ва божхона имтиёзлари бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга ҳисоблаб ёзиш қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда:

а) божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС ва ҳоказо турлари бўйича ҳисобланган божхона тўловлари суммалари, улар имтиёз берилганлиги сабабли бюджетга тўланмайди деган белги қўйилган ҳолда божхона юк декларациясининг 47- ва "В" устунларида кўрсатилади;

б) солиқ имтиёзлари берилган, бюджетга ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар, тўловчи рўйхатга олинган жойдаги солиқ органларига белгиланган шакллар ва муддатларга мувофиқ тақдим этилади. Маҳсулот (товар, ишлар, хизматлар) ва бошқа активлар реализация қилинаётганда солиқ солинадиган айланмага ҳисобланган ҚҚС (ҚҚС тўловчилар учун) ва акциз солиғи (акцизли товарлар (маҳсулотлар) сотилганда) суммаси ажратилган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ ва божхона имтиёзлари берилганда ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғидан ташқари) ва бюджетга мажбурий тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматиغا киритилади.¹³

ҚҚС тўловчиси ҳисобланган ва ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар харид қилинадиган (шу жумладан импорт қилинадиган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича ҚҚС суммасини харид қийматиغا киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган ҚҚСни белгилашда ҳисобга киритадилар.

Ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда харид қилиш қиймати бўйича, бунга ҚҚС ва акциз солиғи суммаси киритилади, акс эттирилади.

¹³ Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти–Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Док. дисс. 2006. -320 б.

Акциз солиғи бўйича имтиёз берилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи тўловчилари ҳисобланган корхоналар харид қилинган (шу жумладан импорт қилинаётган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича акциз солиғи суммасини уларнинг харид қийматига киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган акциз солиғини аниқлаш чоғида ҳисобга киритадилар.

Солиқ ва божхона имтиёзлари миқдори белгиланган тартибда бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шarti билан солиқлар ва божхона имтиёзларининг бухгалтерлик ҳисоби 8840-"Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағида, берилган солиқлар ва божхона имтиёзларининг турлари бўйича юритилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзларини ҳисоблаб ёзаётганда батафсил ҳисобга олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларининг иш режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилади:

а) бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4400) гуруҳида "Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6400) гуруҳида "Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

в) суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳида "Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар - солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи;

г) турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6900) гуруҳида "Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи.

Солиқлар ва божхона имтиёзлари бухгалтерлик ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ товар-моддий захиралар, асосий воситалар, номоддий активлар ва ўрнатиладиган ускуналарни, шу жумладан импорт қилинадиганлари харид қилинаётганда харид қийматига киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва божхона тўловлари суммасига (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек қонунга мувофиқ ҳисобга киритиладиган акциз солиғидан ташқари):

Капитал қўйилмалар ҳисоби ҳисобварағи (0800), ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби ҳисобварағи (0700), товар-моддий захиралар ҳисоби ҳисобварақлари (1000-2900) дебети;

"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

б) мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар-моддий захиралар харид қилинганида қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи суммасига:

"Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

6010-"Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" ёки 6210-"Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар" ёхуд турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи (6900) ҳисобварағининг кредити ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар;

в) мазкур солиқ тўловчилари учун ҳисоблаб ёзилган ҚҚС, шунингдек товар-моддий захиралар импортида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи суммасига:

"Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

"Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

г) товар-моддий захиралар импорти чоғида ҚҚС ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

"Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи кредити;

д) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда ҳисоблаб ёзилган ҚҚС, акциз солиғи суммасига:

4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар", 4120-"Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар" ҳисобварағи дебети;

"Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

е) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган, илгари ҳисоблаб ёзилган ҚҚС ва акциз солиғи суммаларини ҳисобга киритганда:

"Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

"Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

ж) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҚҚС ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

"Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи кредити;

з) асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишида ҚҚС суммасига:

асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9200) дебети;

"Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

и) конун ҳужжатларига мувофиқ давр харажатларига киритилдиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммасига:

9430-"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағи дебети;

"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

"Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар - солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

к) хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси ҳисобига киритилдиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммасига:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварағи (9800) дебети;

"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи кредити;

л) бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

"Бюджетга тўловлар бўйича қарз - солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

"Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар - солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)" ҳисобварағи дебети;

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи кредити.

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган, солиқлар ва божхона имтиёзларини бериш натижасида бўшаган маблағлар суммалари қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

а) асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликларни харид қилишга, кредит ва қарзларни сўндиришга, асосий воситаларни реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришга йўналтирганда, агар имтиёзли давр кўрсатилган бўлса - муддатларнинг энг ками бўйича: имтиёзли давр ёки ҳақиқатда ишлатиш тугаганда, имтиёзли давр кўрсатилмаган ҳолларда эса - ҳар йили:

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи дебети;

8530-"Текинга олинган мол-мулк" ҳисобварағи кредити, бунда "Солиқлар ва божхона имтиёзлари" ҳисобварағи ажратилади;

б) жорий мажбуриятларнинг ҳосил бўлишига (масалан: иш ҳақининг ҳисоблаб ёзилиши, ижара, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар ва ҳоказо) олиб келадиган жорий харажатларни қоплашга йўналтирилганда:

8840-"Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи дебети;

6010-"Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" ёки 6120-"Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар" ёхуд 6710-"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар" ёки турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи (6900) кредити ёхуд бошқа тегишли ҳисобварақлар.

Н.Жўраев, Р.Холбеков, Ф.Абдувахидов, И.Илхомовларнинг фикрига кўра: Солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бўшаётган маблағлар суммалари, агар улардан мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисобининг банк ҳисобварақларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттирилмайди ва, тегишлича, молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир қилмайди.¹⁴

Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари чоғида бўшаётган маблағларнинг лозим даражадаги бухгалтерия ҳисобини таъминлаш мақсадида, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича "Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари" алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақлари очилади.

Бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоблаб ёзилган, бўшаган маблағлар суммаси умумбелгиланган тартибда мазкур ҳисобварақлар дебети бўйича акс эттирилади.

Имтиёз берилган давр тугаганидан сўнг "Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари" балансдан ташқари ҳисобварақлари дебетида ҳисобга олинадиган бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобварақлар кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Доимий солиқлар ва божхона имтиёзлари чоғида бўшаётган маблағлар, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўлов бўйича молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзлари берилиши на тижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини тасдиқлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили йиллик молиявий ҳисоботга қўшиб давлат солиқ хизмати органларига тегишли шаклда улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоб-китобни тақдим қиладилар.

¹⁴ Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й

Н.Жўраев, Ф.Абдувахидов, Д.Сотволдиеваларнинг фикрларига кўра: Маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаганлиги ва солиқлар ва божхона имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар ҳисобига харид қилинган активларнинг имтиёзли давр тугашига қадар бошқаларга берилиши (сотилиши) далиллари аниқланганда ушбу маблағлар жарима жазосини кўллаб, қонунга мувофиқ пеня ҳисобга олинган ҳолда бюджетга ундирилади.¹⁵

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоблар тўғри бўлиши ва ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгардир. Ҳисоб-китоблар тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо кўлланади. Худудий солиқ органлари тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ имтиёзлари берилган, шунингдек бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган солиқ имтиёзлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг реестрини юритадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг худудий бошқармалари расмийлаштирилган БЮДлар асосида бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан божхона имтиёзлари берилган, шунингдек бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган божхона имтиёзлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг реестрини юритадилар.

Давлат божхона кўмитасининг худудий бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-қунигача, маълумот учун Давлат солиқ кўмитасининг худудий бошқармаларига (импорт қилувчиларнинг юридик манзиллари бўйича) мазкур Низомга 2 ва 3-сон иловаларга* кўра шакл бўйича божхона имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестрини юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, давлат мақсадли жамғармалари ҳар чоракда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-қунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган, уларга доир имтиёзлар бериладиган, ҳисоблаб ёзилган солиқлар, мажбурий тўловлар суммаси тўғрисида маълумотларни тақдим этадилар.

Давлат божхона кўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-қунига қадар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига вилоятлар бўйича божхона тўловлари турларига доир берилган имтиёзлар тўғрисида, шунингдек ҳар чоракда - божхона имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича божхона тўловлари турларига доир маълумотларни юборади.

¹⁵ Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: "ИЦТИСОДИЁТ-МОЛИЯ" 2012.-480б.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида «Хонқадонмахсулотлари» очик акционерлик жамияти мисолида бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби билан боғлиқ бўлган назарий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоб-китоби ҳисоби ҳозирги аҳволини тадқиқ қилиш билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга доир қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни киритиш имкониятини берди:

1. Иқтисодиётни ркинлаштиришнинг муҳим бир тадбири – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини кўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайтирилиб борилмоқда. Бу ўз навбатида реал ишлаб чиқариш секторининг ривожланишига асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

2. 2012 йилда мамлакатимиздаги озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Бюджетдан ташқари фондлар – умумдавлат молиясининг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фодлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларини тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, кўрсатилган Низомга иловаларда белгиланган харажатлар суммасига тузатишлар киритилган даромад (фойда) солиқ солиш объекти ҳисобланади.

5. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турларга кўра) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити ва солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.

Солиқнинг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттириш зарурдир.

6. Қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқларга киради, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра (истеъмол учун солиқ) ишлаб чиқарувчи

корхоналарнинг харажати эмас, балки харидорлар ва буюртмачиларнинг харажатларидир ва шунинг учун "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар" 4010-ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилиши керак.

7. Бевосита солиқлар бўйича харажатларни киритиш уларни ҳисоблаб чиқиш учун нима база қилиб олиншига боғлиқ. Даромаддан ҳисоблаб чиқиладиган солиқлар (даромад солиғи, инфраструктура солиғи) "Солиқлар ва йиғимлар тўлаш учун даромаддан фойдаланиш" 9800 ҳисобварағи, 9810 "Даромад солиғи бўйича харажатлар" ва 9820 "Йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар" ҳисобварақларининг дебетига киритилади.

Корхонанинг солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга йиғимлар бўйича қолган барча харажатлари давр харажатларига киритилади ва 9430 "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттириши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 1992 йил 8 декабр.
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й, 30 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда, 404-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2010 й., 20-сон, 149-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-модда, 314-модда, 315-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 37-сон, 374-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда, 37-сон, 421-модда, 52-сон, 584-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва унинг ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори. –Т.: 2005.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
7. «ҚҚС (иш, хизматлар)ни ишлаб харажатларининг таркиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261, 16 июндаги 270, ва 15 октябрдаги 444-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан: Т: -2003. 32 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низоми. 54- қарори. –Т.: 1999й.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

9. I.Karimov. Bosh maqsadimiz-keng ko'lamli islohotlar va modernizatsiya yo'lini qat'iyat bilan davom ettirish. “Xalq so'zi” gazetasi. 2013 yil 19yanvar, №13 (5687).
10. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. (“Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь, № 16 (5183)).

11. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

II. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

14. Ўзбекистон Республикаси 21-сон БҲМС Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома. -Т.: ЎБАМА. 2002.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. - Т.: ЎБАМА. 2000. -209 б.

IV. Асосий адабиётлар

16. Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “ИҚТИСОДИЁТ-МОЛИЯ” 2012.-480б.
17. Каплан, Роберт С, Купер, Робин. Функционально-стоимостной анализ: практическое применение: Пер. с англ. — М.: 000 "И.Д. Вильяме", 2008. - 352 с.
18. Карпов А. Е. «100% практического бюджетирования» Книга 5. «Роль финансовой дирекции в бюджетировании» - М.: «Результат и Качество», 2007.-256 с.
19. Касьянова Г.Ю. Учетная политика: бухгалтерская и налоговая. – М.: АБАК, 2010. – 160 с.
20. Касьянова Г.Ю. Основные средства: бухгалтерский и налоговый учет. – М.: АБАК, 2010. – 256 с.
- 21.
22. Кириллова Н. А., Богаченко В. М. Бухгалтерский учет для вузов : учеб. — 2-е изд., перераб. и доп. - М. : ТК Велби, Проспект, 2008. - 464 с.
23. Кириллова Н.А., Богаченко В.М. Сборник задач по бухгалтерскому учету. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 346 с.
24. Клокова Н.В. / Под редакцией Крыловой Ю.В. 10 000 проводок. - М.: «Горячая линия бухгалтера», 2007. - 448 с.
25. Ковалев В.В. Как читать баланс. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 672 с.
26. Кожин В.Я. Производство: учет и налоги. – М.: «Альфа - Пресс».- 2007. – 428 с.

27. Коллекция оптимальных решений журнала «Практическая бухгалтерия». – М.: «РедСо» - «Бератор-паблишинг», 2006. – 256 с.
28. Краснопёрова, О. А. Инвентаризация имущества и обязательств. -М.: ГроссМедиа : РОСБУХ, 2007. - 344 с.
29. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с. – 2 экз.
30. Медведев М.Ю. Бухгалтерский словарь. – М.: ТК Велби, Проспект, 2008. – 496 с.
31. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. – М.: Проспект, 2010. – 272 с.
32. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – М.: Юрайт, 2010. – 605 с.
33. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса: учеб. – М.: Дело и Сервис, 2010. – 224 с.
34. Бреславтсева Н.А., Михайлова Н.В., Гончаренко О.Н. Бухгалтерский учет. Учебник. Роцов н/Д: Феликс, 2012.- 318 с.
35. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув хисоби. Дарслик. -Т.: “Янги нашр», 2011 й, 312 б.
36. Холбеков Р.О. Бухгалтерия хисоби назарияси. Дарслик. -Т.: “Чўлпон” нашриёти. 2011, 200 б.

V. Қўшимча адабиётлар

37. Богаченко В. М. Любая бухгалтерская проводка за 5 минут. Корреспонденция счетов: учебно-практическое пособ.- Изд. 4-е, доп. и пере. раб. - Ростов н/Д : Феникс, 2007.- 441 с.
38. Бородина В.В. Документирование в бухгалтерском учете: учеб. пособ.- М: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008. - 304 с.
39. Бортник Н.А., Бортник Н.Н. Бухгалтерское дело: Учебное пособие. - М.: «Дашков и К°», 2008. – 400 с.
40. Брыкова Н.В. Теория бухгалтерского учета: Баланс и система счетов: учеб. пособие / Н.В. Брыкова. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 80 с. 2 экз
41. Безруких П.С. Бухгалтерское дело: учеб. пособ.– М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 271 с.
42. Ивашкевич В.Б., Куликова Л.И. Бухгалтерское дело: учеб. пособ.- М.: Экономист, 2007.-523 с.
43. Кизилов А.Н. Теория бухгалтерского учета: учеб. пособ.– М.: Эксмо, 2006. – 336 с.
44. Климова М.А. Бухгалтерское дело: Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 200 с.
45. Киличева Ф. Б. Корпоратив бошқарув тизимида бошқарув хисобини такомиллаштириш. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Ном. дисс. 2009. -120 б.
46. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: учеб. пособ. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 717 с.

47. Кузьмина М.С. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
48. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с. – 2 экз.
49. Ложников И.Н. Учет внеоборотных активов. Рекомендовано УМО по образованию в области финансов, учёта и мировой экономики в качестве учебного пособия- М.: «Бухгалтерский учет», -2007. - 130с
50. Медведев М.Ю. Учетная политика организации на 2010 год: практическое пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
51. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича” Ўқув-услубий мажмуа: – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
- VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**
52. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2009-2012 йиллар
53. «Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2009-2012 йиллар
54. Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
- VII. Интернет сайтлари.**
55. “Norma” (Меъёрий-ҳуқуқий программа таъминоти) 2012 йил.
56. www. gaar.ru (Халқаро бухгалтерия стандартлари).